



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil " 5 " fevral

Қ-69 -son

Termiz sh.

Сариосиё тумани И.Диёров массиви худудидан
“STANDART OIL INC” МЧЖга энгил
конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев бошчилигида “Сурхондарё вилоятида ер ва сувдан фойдаланиш экинларни тўғри жойлаштириш, кластерлар ва агрологистика ташкил этиш, озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ва амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрда ўтказилган йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 2020 йил 15 декабрда тасдиқланган Сурхондарё вилоятида амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги лойиҳаларининг манзилли рўйхатининг 830-бандига асосан, Сариосиё тумани ҳокимининг 2020 йил 6 ноябрдаги 01-20/560-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сариосиё тумани И.Диёров массиви худудидан “STANDART OIL INC” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 174-дала контуридаги жами 3,6 гектар шундан, 3,40 гектар бўз ер, 0,20 гектар ариқ ер майдони энгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “STANDART OIL INC” МЧЖ бошлиғи Ю.Шукуровга:
иссиқхона учун ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов